ЎзССР Давлат китоб палатаси
I-90395

# АБАДИЙ МУКАРРАМ АЁЛ ВА КЎКЛАМ

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ
MARIFAT
معرفت

Халқ зиёлилари газетаси
1931 йилдан чиқа бошлаган
1995 йил 8 март, чоршанба
Баҳоси сотувда эркин нархда.
10 (6656)

## ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Муҳтарам онахонлар!*

*Азиз опа-сингиллар!*

*Сизларни гўзаллик ва латофат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик айёми — 8 март билан чин юракдан табриклайман.*

*Халқаро аёллар куни сифатида нишонланадиган бу анъанавий байрам бизнинг ёш, мустақил мамлакатимизда мутлақо янгича мазмун касб этмоқда. Қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланаётган, жамиятимиз маънавий жиҳатдан покланаётган, шарқона одоб ва лутф қайтадан қарор топаётган бир шароитда аёлларни эъзозлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг меҳнатини, гулдай нозик кўнглини ва юксак шаънини асраб-авайлаш ҳаётимизда алоҳида ўрин топмоқда.*

*Бизга ҳаёт инъом этган, оқ сут берган, оқ ювиб, оқ тараган она олдида барчамиз умрбод қарздормиз. Бу улуғ зот олдида ҳар доим таъзим бажо айлаш — ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.*

*Аёллар меҳри ва чексиз меҳнати билан ҳар қайси оиланинг бахту саодати, бутун жамият ва давлатнинг ободлиги, барқарорлиги, тинчлиги таъмин этилади ва мустаҳкамланади.*

*Мамлакатимиз аҳолисининг салкам ярмини болалар ва ўсмирлар ташкил этар экан, айтиш мумкинки, Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги Сизнинг бағрингизда, меҳру муҳаббатингиз шуъласида камолотга етмоқда.*

*Меҳрибон оналар, опа-сингиллар!*

*Ҳар қайси хонадон ва ҳар бир оилага муносиб шароит яратиб бериш, Сизларнинг ва фарзандларингизнинг тинч-тотув ҳаётини, юртимиз барқарорлигини ҳимоя этиш вазифаси ҳар доим давлатимиз сиёсатининг марказида бўлади, деб Сиз азизларни ишонтиришга рухсат бергайсизлар.*

*Сизларни яна бир бор қутлуғ айём билан муборакбод этаман, барчангизга тансиҳатлик, бахту саодат тилайман.*

*Умрингиз узун, иқболингиз баланд бўлсин!*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**

## УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ Референдумини ўтказишга қарор қилинди.***

Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан

Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айни ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда иқтисодиётимизда оламшумул ислоҳотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

**Иккинчидан**, дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айни шу даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Учинчидан**, ўтказиладиган Референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислоҳотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

**Тўртинчидан**, бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айни шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларининг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.

*8 март — Халқаро хотин-қизлар куни*



**ГУЛГА ЭВРИЛГАН МЕҲР**

**Аёл ва гул... Иккиси ҳам ҳаёт меҳвари. Бири гул-гул яшнаб, муаттар бўй таратиб, кўзларни қувонтирса, иккинчиси башарият наслининг давом эттирувчиси, меҳр-муруввати ила умр шамчироғини ёлқинлантирувчи олий зотдир.**

**Аёл ва гул...**

**Мамлакатимизда фасллар келинчаги баҳор ўзига хос байрамлар, тантаналар фаслидир. Куни кеча муборак Рамазон ҳайитини кенг нишонлаган эдик. Бугун эса жаннат оёқлари остида бўлган Оналаримиз, опаларимизни яна бир шодиёна билан табриклаб, уларга ҳурмат бажо келтириб турибмиз. Яна муҳими шундаки, бу тилаклар, умидлар йилбоши — Наврўз айёмига уланиб кетади. Сирасини айтганда, Янги йил кўклами меҳр-оқибат, дўстлик-биродарлик, иймон-эътиқод, саховат ва мурувват ришталари ила эш экан, бу инсоний туйғулар дебочаси эса аёлларга ҳурматдан бошланади.**

**Аёл ва гул! Бу — оламнинг икки нафис хилқати. Ва бу икки нафислик муштараклигидан Гўзаллик туғилади. Сиз кўриб турган суратда Тошкентдаги 197-ўрта мактаб ўқувчилар шу мактаб директори Ақида Тўлаганова тимсолида ўша гўзаллик, ўша нафосат, умуман бани Аёлга ўз ҳурматларини изҳор қилишяпти.**

**Биз ҳам ушбу муқаддас айёмда муҳтарама аёлларимизни, азиз муаллималарни чин қалбимиздан табриклаймиз. Улар қалбимизда ҳамиша эзгулик тимсоли бўлиб қолишсин.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## Мукофот муборак!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси аёлларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан иқтисодиёт, илм-фан, маданият, халқ таълимини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва фидокорона меҳнати учун ҳамда 8-Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларнинг катта бир гуруҳи мукофотланди. Улар орасида қуйидаги педагоглар ҳам бор:**

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ"**

ШАЙХОВА Хатима Омиловна — Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ"**

ВОҲИДОВА Раъно Толибовна — Тошкент давлат педагогика институти кафедра доценти

**НОРҚУЛОВА Рая Рўзиевна** — Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

**РЕШЕТНИК Светлана Николаевна** — Навоий шаҳар, С. Раҳимов номидаги 18-мактаб ўқитувчиси

**ХИДИРНИЁЗОВА Перухон** — Тахтакўпир тумани, 1-май номли мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

ҒУЛОМОВА Нурпошша Ғаниевна — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**САМИБОЕВА Жамилахон** — Олтинкўл туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**СОТВОЛДИЕВА Ҳамида Жўраевна** — Янгийўл шаҳридаги 15-мактабнинг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ХАЛИЛОВА Тўлқиной Абдужалиловна** — Боғдод туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Маҳмуд ТОИРОВ**

## АЁЛ

**Саодат боғида унган чечаклар,**
**Юлдузлар юзидан томган эртаклар,**
**Булоқлар кўзида кулган тилаклар,**
**Жаннат фариштаси эмасми, аёл!**

**Боғларга баҳорни етаклаб келган,**
**Фарзанди қошида ой бўлиб тўлган,**
**Илк айтган қўшиғи аллалар бўлган,**
**Жонимиз риштаси эмасми, аёл!!**

**Лайлининг лабидан томган вафода,**
**Кумушнинг кўзида сузган ҳаёда,**
**Моҳим, Моҳлар ойим чеккан жафода,**
**Муҳаббат шеваси эмасми, аёл!**

**Кўзин қаросида меҳри беланчак,**
**Лутфин ардоғида сеҳри бор бешак,**
**Қай марднинг оҳуси турган келинчак,**
**Ошиқнинг гинаси эмасми, аёл!**

**Тишланган жуфт нонда кўз ёшлари қон,**
**Оҳ, қирқта жонининг ҳаммаси гирён,**
**Эллик йил шаҳидин йўқлаган жувон,**
**Вафонинг сийнаси эмасми, аёл!**

**Кўнглин олмаганим, кўкда ҳилолим,**
**Минг бора кечирган менинг малолим,**
**Онам, нуридийдам, меҳри зилолим,**
**Тангрининг туҳфаси эмасми, аёл!**

**Тиз чўкиб ўзига тавалло қилай,**
**Момо Ҳаволарим умрингиз тилай,**
**Оёқларингизга бошимни қўяй,**
**Маҳмудни фарзандим демасми, аёл!**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар, қадрли ҳамкасблар!

Истиқлолимиз шарофати туфайли ўзлигимизни, Ватан деган улуғ сўзнинг том маъносини қайтадан англай бошладик. Жаҳоннинг кўплаб давлатлари Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик боис биз билан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилмоқдалар. Диёримизда инсоний фазилатлар ардоқланмоқда. Халқимиз танлаган тараққиёт йўлидан эртанги кунга ишонч ила дадил одимламоқда.

Бинобарин, юртга эгалик ҳисси, биз педагоглар зиммасига, юртимиз тараққиётини ҳаракатга келтирувчи ёш авлодни тарбиялаб, уларни комил инсон, илмга чанқоқ қилиб тарбиялаш вазифасини юклатган экан, биз бу шарафли, айни пайтда машаққатли вазифани тўла-тўкис ифтихор билан адо этмоғимиз даркор.

Юртбошимиз Олий Мажлис сессиясида: "Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади ва, аксинча, келажаги буюк бўлишни истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади", деганларида минг карра ҳақ эдилар.

Ҳа, биз илм-маърифат аҳли шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 сессиясининг тарихий ва ҳаётбахш қарорларининг рўёбга чиқиши тарафдоримиз.

Ўзбекистон — диёримизда истиқомат қилувчи барча миллат, элат ва халқларнинг суюкли Ватани, умумий хонадонимиз. Эндиликда, ҳар биримиз мамлакат равнақи учун курашда ўрнимизни топиб, ана шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликнинг барча масъулиятини зиммамизга олиб, давлатимизнинг порлоқ истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилайлик, маданий-маърифий ишларни авж олдирайлик, ижодкорлик салоҳиятимизни ёш авлод камолоти йўлида сафарбар қилаверайлик.

Биз Мирзо Улуғбек тумани ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 сессиясининг тарихий ва ҳаётбахш қарорларини маъқуллаймиз, Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши айни муддао деб ўйлаймиз ва уни қўллаб қувватлаш билан бирга, шу йилнинг 26 мартида ўтказиладиган умумхалқ Референдумида иштирок этиб, якдиллик билан овоз беришга Республикамизнинг ҳамма ўқитувчиларини ва севимли Ўзбекистонимизнинг барча зиёлиларини даъват этамиз!

**Мурожаатнома Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ўқитувчи-зиёлиларининг 1995 йил 2 мартда бўлиб ўтган анжуманида қабул қилинган.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

**Д. ҒУЛОМОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 март.

## НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

***4 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, шу ташкилот қўмитасининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Анжуманда ушбу байрамни нишонлаш ҳақидаги республика Вазирлар Маҳкамаси қарорининг бажарилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда умумхалқ шодиёнасига тайёргарликнинг бориши тўғрисида масъул ходимларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ҳар галгидек, бу йил ҳам асосий тантаналар пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида ўтказилади.

Байрамга тайёргарлик ишларини янада жонлантириш, байрам тантаналари ўтадиган асосий майдонларни жиҳозлаш ишларини тезлатиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Шунингдек, пойтахт ва вилоят марказларида, тадбирлар ўтадиган майдонларда халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи расталар ташкил этиш, меҳнат ва уруш фахрийлари, етим-есирлар, болалар уйлари тарбияланувчилари, боқувчисиз қолган хонадонлар, кўп болали оилаларга моддий-маънавий кўмаклашиш сингари масалаларга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида*

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йил 25 февралда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масалага бағишланди.

Ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев йиғилиш қатнашчилари эътиборини Олий Мажлис сессияси ишчанлик руҳида ўтганлигига қаратди ва Президент И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларга тўхталиб, халқ таълими ишига тўғри баҳо берилганлигини таъкидлаб ўтди.

— Тан олишимиз керакки, — деди Ж. Йўлдошев, — янги типдаги мактаблар жуда кам. Мактаб — ўрта ва олий таълим мажмуини ишлаб чиқишимиз, эски қолипда ишлашга барҳам беришимиз керак.

Нотиқ маърузада маърифат ва маънавият тамойилларига алоҳида эътибор берилганлигини қайд этиб, бу муҳим ҳужжатни жойларда чуқур ўрганиб чиқишни, шу асосда иш режалари белгилашни таклиф қилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж. Халилов, халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й. Саиджонов, Таълим илмий-методика маркази директори К. Эшчонов, вазир муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори Д. Шодиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сектор мудири М. Муҳиддинов сўзга чиқдилар.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида Президент ваколатларини узайтириш бўйича 26 мартда ўтгазиладиган Ўзбекистон Республикаси Референдумига қизғин ҳозирлик кўриш юзасидан халқ таълими ходимлари фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳайъат йиғилиши таълим муассасаларида Президентнинг "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" маърузасини ўрганиш ҳамда шу йил 26 мартда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Референдумига тайёргарлик бўйича тадбирларни маъқуллаб қарор қабул қилди.

**Мухбиримиз.**

*Эл эъзозлаган инсонлар*

# МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИНИНГ МАЛИКАСИ

Инсонни орзулар йўлидаги интилишлар, эътиқоднинг собитлиги, мақсаднинг эзгулиги улуғлайди. Инсонни тинимсиз ижодий изланишлар, илмга ташналик, заҳматларга ошнолик комил этади. Инсонни фидойилик, жонкуярлик, кўпнинг корини енгиллатиш каби фазилатлар халқнинг севимли фарзандига айлантиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот институтининг директори, ЎзФА мухбир аъзоси Сайёра Рашидова билан суҳбатлашар эканман, юқоридаги фикрлар хаёлимдан такрор-такрор ўтарди. Сайёра опада юқоридаги фазилатлар нақадар уйғунлашиб кетганлиги ҳақида ўйладим. Дарҳақиқат, у кишининг таржимаи ҳолидаги: Москва давлат университетининг химия факультетини битказган, кимё фанлари номзоди, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси деган ёзувлар ҳам опанинг ҳақиқий илм фидойиларига хос йўлларни босиб ўтганликларига далолат бериб турибди. Опада ҳақиқий илм соҳибларига хос яна бир хислат борлигини сездим: суҳбатдошини диққат билан тинглайди, ниҳоятда камтарин, дилкаш. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, "халқ ғамидин ўзга ғами йўқ" деган таассурот қолдиради кишида.



Энди Сайёра Рашидова раҳбарлик қилаётган илмий тадқиқот институти ҳақида икки оғиз сўз: Полимерлар химияси ва физикаси илмий тадқиқот институти каттагина даргоҳ. Ҳозирги кунда у ерда 190 дан зиёдроқ киши меҳнат қилади. Улар орасида инженерлар, илмий ходимлар, 50 дан кўпроқ фан номзоди, 10 нафар фан доктори, 3 нафар ЎзФА мухбир аъзолари бор. Даставвал 1979 йилда 3 та бўлим асосида иш бошлаб, 1981 йилда илмий тадқиқот институти мақомини олган бу илм даргоҳида айни кунда 18 та лаборатория ва бўлим кенг миқёсдаги, турли йўналишдаги тажриба ва илмий изланишларни олиб бораётир.

Албатта, полимерларнинг аҳамиятини, ҳаётдаги ўрнини ҳамма ҳам бирдек тасаввур қила олмайди. Кўпчилик полимерлар деганда бир томондан фойда келтириб, бошқа томондан зиён етказадиган кимёвий ўғитларнигина тушунади, холос.

— Ҳаётимизни полимерларсиз, уларнинг хизматисиз бирон-бир соҳаси йўқ десак, хато бўлмайди. Соғлиқни сақлашдан тортиб, озиқ-овқат саноати ёки енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, хуллас, барча соҳаларимиз ривожини полимерларсиз тасаввур қилиш мумкин ҳам эмас, — дейди Сайёра опа. — Албатта, биз атроф-муҳит учун, инсонлар ва бошқа тириклик дунёси учун зарарсиз деб топилган полимерларнигина қўллашга тавсия этамиз. Яқин йилларгача тайёр полимерлар Россиядан келтириларди. Энди эса ҳамма масъулият ўзимизнинг елкамизда. Ижодий имкониятларимиз етарли. Бу имкониятларни ишга солиш йўлидаги изланишларимиз ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир қатор чет мамлакатларнинг илғор фирмалари билан илмий-амалий алоқалар боғлаяпмиз, қўшма корхоналар тузаяпмиз.

Дарҳақиқат, Сайёра опанинг сўзларини тинглаб, шунга амин бўлдимки, бу илм даргоҳида қилинадиган ишлар кенг миқёсда, кашфиётлар эса турлича. Кунлар ҳам бир-бирига ўхшамайди, бир-биридан ранго-ранг, бетакрор. Бу масканда ходимларнинг жисмонан соғлом, маънавий-руҳий баркамолликлари учун шарт-шароитлар мавжуд. Институт қошидаги спорт зали ходимларнинг севимли жойларидан бири ҳисобланади. Инглиз тили ва ўзбек тили курслари ҳам улар хизматида.

Кези келганда, айтиб ўтмоқ жоизки, мазкур илмий тадқиқот институти талайгина эзгу ишларга ҳам бош-қош. Ўтган йили Тошкент давлат университетининг физика бўлими қошида "Полимерлар физикаси" кафедраси очилди. Бундан мақсад, талабаларни соҳанинг паст-баланди билан таништириб бориш, шунингдек иқтидорли талабаларни танлаб олишдир.

Шу кунларда Сайёра Рашидова раҳбарлик қилаётган илмий жамоа яна бир хайрли ишга қўл урди. Олимлар пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 83 ва 260-мактаблар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатишмоқда. Илмий ходимлар ушбу мактабларга келиб маърузалар ўқишаётир, мактаб ўқувчилари ҳам ҳар ҳафта институтга экскурсия қилишиб, амалий билимга эга бўлишмоқда. Бу "институт—химия факультети — мактаб" алоқаларининг дебочасидир. Зотан, эзгу мақсадларнинг натижаси ҳам эзгу бўлади, албатта.

— Сайёра опа, мана сиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат бўлиб сайландингиз. Дастурингизда таълим-тарбия масалалари ҳам борми?

Саволимга у кишининг жавоблари қуйидагича бўлди:

— Албатта, илм-фан аҳлининг таълим-тарбия учун қайғуриш қон-қонига сингиб кетган. Менинг дастуримда ҳам у анчагина ўрин эгаллаган десам, муболаға бўлмайди. Қолаверса, ўзингизни ҳам хабарингиз бор, яқинда бўлиб ўтган сессияда Президентимиз ҳам ўз маърузаларида таълим-тарбия ишларини яхшилаш тўғрисида жуда таъсирли гаплар айтдилар.

Мен энг аввало, таълим-тарбияни яхшилаш учун бошланғич тарбия муассасалари, хусусан, боғча ва мактаблар ишини яхшилаш лозим деб ҳисоблайман. Ундан ташқари, оилада ҳам ота-она таълим-тарбия ишини ўз фарзанди олдидаги қарзи деб, бурчи деб тушунса, натижаси чакки бўлмайди.

Мустақиллик бизга англатган илк ҳақиқатлардан бири шу бўлдики, таълим-тарбияни ривожлантирмасдан туриб, порлоқ истиқбол яратиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, ўйлайманки, узлуксиз таълимни, узвий таълимни ҳам ривожлантирмоқ лозим. Бу ишни пайсалга солмай, амалий ишга ўтиш вақти аллақачон етди. Юнусобод туманидаги 83 ва 260-мактаблар билан ҳамкорлигимиз ҳам ана шу хулоса натижасида юзага келди.

"Кимё — қизиқ дунё" дердилар ўрта мактабда шу фан ўқитувчимиз янги дарсни бошлашларидан олдин. Ростдан ҳам, бу соҳа йўқдан бор қилиш, бир моддадан бошқа бир нечтасини ажратиб олиш, бир нарсани бошқа бир нарсага айлантиришдек мўъжизавий хусусиятга эга. Демак, уни мўъжиза десак, хато бўлмайди. Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ҳар куни ана шундай мўъжизалар содир бўлади. Институтнинг илмий ходимлари халқ фаровонлиги учун мўъжизалар яратаверади, яратаверади... Уларга бу сирли, сеҳрли юмушларни амалга оширишларида кимё фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Сайёра Рашидова саркорлик қилади. Демак, Сайёра опани мўъжизалар оламининг маликасига қиёслаш мумкин.

**Зубайда УСМОНОВА.**

*Акс садо*

# ИШЧАНЛИККА ДАЪВАТ

Мустақил давлатимизнинг бунёдкори бўла оладиган шахсларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳал этиш педагогика фани соҳасида янгича ёндошувларни талаб қилади. "Маърифат" газетасининг 1995 йил 25 январь сонида "Педагогика фани ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш муаммолари"га бағишланган мақоланинг чоп этилиши айни муддао бўлди.

Мақола муаллифи халқ таълими соҳасида узоқ йиллардан буён жонкуярлик ва фидойилик билан фаолият кўрсатиб келаётгани учун ҳам Республикамизда педагогика фанининг ҳозирги аҳволини қисқа бўлса ҳам тўғри таҳлил қилган ва унинг келажакда ривожланиш истиқболларини аниқ кўрсатиб бера олган.

Муаллиф педагогика фани олдида таълимнинг энг мақбул йўналишини аниқлаб, уни такомиллаштириш истиқболларини белгилаб бериш, тузумда қандай туб ўзгаришлар рўй беришидан қатъи назар, унинг жамиятда ўз ўрнини топа олишига кўмаклашишдек вазифа турганлигини алоҳида таъкидлагани ҳолда мактабларда олиб борилаётган таълимнинг ҳозирги аҳволини аниқ таҳлил қилиб, педагогика фани олдида турган энг долзарб муаммо — янги педагогикани яратиш эканлигини тўғри эътироф этган.

Шунингдек, мақолада таълим мазмунини ривожлантириш истиқболларига доир олти банддан иборат таклиф — мулоҳазалар ҳам баён этилган. Буларнинг ҳар бири, менимча, жуда ўринли ва асослидир: ўқувчиларнинг унумли меҳнат жараёнига тайёр бўлмоғи, ўқувчиларни турли ўқув муассасаларида ўқишга тайёрлаш ва шу ўқув муассасаларида ҳам узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, ўқувчида табиий-илмий, ижтимоий-ғоявий дунёқарашни шакллантириш, ўзбек халқининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий маданиятни шакллантириш, омилкорлик ва ижодий талабни шакллантириш, ўқувчиларга педагогик фикрлашни ўргатиш ва элементар психологик билимлар бериш каби масалалар кўзда тутилади.

Яна бир нарса муаллифнинг предметлар муаммоси ва предмет блоклари ҳақидаги фикрлари асосли ва шунинг билан бирга мунозарали ҳамдир.

Умуман олганда, мақолада мустақил республикамизнинг эртанги порлоқ ҳаётини яратувчи энг муносиб авлодларига таълим ва тарбия бериш борасида педагогика фани олдида турган вазифалар аниқ белгиланган ва уларни амалга ошириш йўллари тўғри кўрсатиб берилган, фикримча, бу масалага чуқур ва атрофлича мулоҳаза юритишни мақоланинг муаллифи каби маориф соҳасида узоқ йиллар давомида фидойилик билан хизмат қилган кишигина бажара олади. Шу жиҳатдан муаллифнинг чин маънода таълим ва тарбия жараёнининг салбий ва ижобий томонларини зийраклик билан илғаб оладиган, педагогика фанининг истиқболи учун илмий жиҳатдан тўғри асосли йўл-йўриқларни кўрсата биладиган маориф жонкуярларига хос мутахассис эканлиги мақолада сезилиб турибди.

**М.АСҚАРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.**

*Кўрик-танлов*

# МАҲОРАТ МАКТАБИ

Инсоният муттасил эзгуликка интилиб яшайди. Эзгуликни эса яхши ниятли, маърифатпарвар инсонларгина ярата олади. Тарбиячию ўқитувчилар ана шундай касб соҳиблари сарасига киради. Яқинда Жиззахда "Йил тарбиячиси-95" вилоят кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда Жиззах шаҳри ва 11 та тумандан ташриф буюрган 12 нафар тарбиячи 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Жиззах вилоят ҳокими муовини Ширин Чилғашев кўрик-танловни кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга омад тилади. Сўнгра туман ва шаҳар ғолиблари тўрт шарт бўйича саҳнада маҳоратларини намойиш этишди.

Барча шартлар бўйича баҳолар ҳисобланиб, Арнасой туманидаги "Ғунча" болалар боғчаси тарбиячиси Адолат Қодирова биринчи, Жиззах шаҳри "Орзу" болалар боғчаси тарбиячиси Ўғилой Мирзаева иккинчи ва Зафаробод тумани "Ғунча" болалар боғчаси тарбиячиси Фарида Ҳамроева учинчи ўринни эгалладилар.

Беллашув тугагач, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шарипов кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларига таъсис этилган мукофотларни топширди. Сўнг "Маърифат" газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳакимга сўз берилди. У газета жамоаси номидан табриклади ва ғолибларга пул мукофотларини топширди.

Танловга ташриф буюрган ҳомийлар — "Экосан" жамғармасининг вилоят бўлими, китоб савдоси бирлашмаси, Жиззах шаҳридаги "Зебо" савдо маркази вакиллари ҳамда ҳар бир шаҳар ва туман халқ таълими бўлими мудирлари кўрик-танлов иштирокчилари бўлган тарбиячиларга қимматбаҳо совғаларини тақдим этишди.

Кўрик-танлов ниҳоясида тарбиячиларни суҳбатга тортдим.

**Умринсо Норбоева,** Дўстлик туманидаги "Кабутар" болалар боғчаси тарбиячиси:

— Бу тадбир ҳамкасблар ўртасида дўстлик ришталарини боғлади, менинг ҳам билим савиямни оширди. Иложи бўлса, бундай тадбир йилига икки марта ўтказилса... Тарбиячи фариштадек тоза, шу билан бирга актёр бўлиши керак, иштирокчиларда актёрлик санъати етишмаётгандай...

**Санобар Тиловова,** Пахтакор тумани "Баҳора" болалар боғчаси тарбиячиси:

— Беллашувда ўзаро тажриба алмашдик. Кўрик-танлов янада миллийроқ тарзда ўтказилишини хоҳлардим... Тарбиячи боланинг ички дунёсига кира билиши унинг руҳиятига қараб муомала қилиши керак.

**Гулжаҳон Асқарова,** Ғаллаорол туманидаги "Дўстлик" болалар боғчаси тарбиячиси, "Тарбиячи-94" республика кўрик-танлови иштирокчиси:

— Умуман, кўрик-танлов унинг иштирокчилари учун катта маҳорат ва тажриба мактаби бўлаяпти. Бироқ айрим ҳолларда иштирокчилар ижросида сунъийлик кўриниб қолаяпти. Менимча, тарбиячи болалар руҳияти билан яшаши, мақсадга йўналган ҳаракат қилиши керак. Методик бирлашмалар тарбиячиларнинг кўрик-танловларга тайёргарлик кўришида бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим. Бу борада боғчалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш яхши натижа беради, деб ўйлайман. Яна бир таклифим шуки, кўрик-танлов вилоят босқичи ғолибларига олий ўқув юртига имтиҳонларсиз кириш имтиёзи берилса, яхши бўларди.

**Улуғбек ОДИЛОВ.**



*Ўзбекистон — Қозоғистон*

# МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР

Марказий Осиё ҳудудидаги йирик давлатлар Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги қардошлик алоқалари истиқлол туфайли юзага келган янги шароитда тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Ҳар икки жумҳурият Президентлари Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ягона иқтисодий ҳудуд барпо этишга оид ҳужжатларда маърифий алоқалар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Маълумингизки, ана шу асосда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Қозоғистон таълим вазирлиги 1992 йил март ойида ҳар икки жумҳуриятдаги ўзбек ва қозоқ мактабларида таълим-тарбияга оид муаммоларни ҳал этиш, дарсликлар билан таъминлаш, таълим муассасаларига педагогик ходимлар етказиб бериш каби масалалар тўғрисида шартнома тузган эдилар.

Ўтган ҳафта чоршанба куни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Қозоғистон таълим вазири Ережаб Мамбетқозиев, Яссавий номидаги Қозоғистон-Туркия халқаро университети президенти Мурод Журимовни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳар икки вазир шартномани амалга ошириш юзасидан ўтган уч йил ичида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берганлигини таъкидладилар, ўрганиш ва оммалаштиришга сазовор талай педагогик янгиликлар юзага келганлигини эътироф этишди, кун тартибидаги муҳим масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиб олишди.

Суҳбат чоғида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон ва Тожикистондаги элчиси Нажмиддин Искалиев, Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосарлари Муртазо Султонов, Хайриддин Маъсудов, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИЛҲОМ ЧАШМАЛАРИ

Яқинда Алишер Навоий номли академик катта театрида Тошкент шаҳри Миробод туманининг умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг "Илҳом чашмалари — 95" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

— Бу тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилди. Чунки ўқувчиларни маънавий баркамол, эстетик дидли инсонлар қилиб вояга етказишда бундай танловларнинг аҳамияти катта, — дейди биз билан суҳбатда Миробод тумани халқ таълими бўлими мудираси Баҳринисо Жўрақулова.

Айниқса, 147, 154, 218-мактаблар ўқувчиларининг ранг-баранг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди. 85, 507-болалар боғчаларининг жажжи тарбияланувчилари саҳнага чиқиб келганида томошабинларнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Улар ижро этган қўшиқлар ва рақслар олқишларга сазовор бўлди.

"Илҳом чашмалари-95" санъат байрамида ота-оналар, мактаб ўқувчилари жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, чет эллик талабалар ҳам иштирок этдилар.

**Ж. ИСКАНДАРОВ,**
**"Маърифат" мухбири.**

*Металл — Ватанга!*

# ЮКСАЛИШ ҚАДАМИ

Том маънодаги мустақиллик нафақат сиёсий, балки иқтисодий истиқлолни-да тақозо этади. Бу — катта йўлга чиқиб олмоқ, демак.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Жаҳонга юз тутиш ишлаб чиқаришни, демакки, саноатни ривожлантириш билан белгиланади. Саноат металл билан тирик. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги ана шу қимматбаҳо хомашёни йиғиб, топшириш бўйича ўз қарамоғидаги муассасалараро сафарбарлик эълон қилган эди. Мана, илк хуш натижалар. Қарши шаҳар педагогика билим юрти 30 тонна ўрнига 45,4 тонна қора металл, 200 кг рангли металл топширди. Самарқанд педагогика билим юрти 32,3 тонна, Навоий педагогика билим юрти эса 30,3 тонна темир-терсак йиғиб берди.

Бундан ташқари Навоий вилояти, Қашқадарё вилояти ва Тошкент вилояти таълим-таъминот корхоналарининг ҳар бири 10 тоннадан ортиқ хомашё топшириб, белгиланган режани уддалашди. Айниқса республика мусиқа мактаб-интернати, Тошкент ҳарбий лицейи жамоаси бу ишда барчага ўрнак бўлишди.

— Тома-тома кўл бўлар, — дейди Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов. — Ҳар бир мисқол темир парчаси республикамиз оғир саноати юксалишига қўшилажак ҳисса эканлигини назарда тутсак, бугунги қилаётган ишимизнинг нақадар аҳамиятлилиги янада ойдинлашади. Ҳозирда бу борада жонбозлик кўрсатаётган жамоаларга раҳмат айтиб, қолганлар эса уларни ўзларига ибрат билиб, барча имкониятларни ишга солган ҳолда бу долзарб мавсумни кўнгилдагидек ўтказишга ҳаракат қилишларига умид қиламиз.

**М. ҚЎЧҚОРОВ.**

*Хорижий алоқалар*

# БУХОРОЛИК НЕМИС МУАЛЛИМ

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан бери чет давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳам йўлга қўйилмоқда. Чет давлатларга бориб, тажриба ўрганиб келиш, талабаларни ўқишга юбориш одат тусига айланиб қолди. Бу борада Бухоро шаҳридаги А. Навоий номидаги ўрта мактабда бир қанча амалий ишлар бажарилмоқда. Мактаб чет тили — немис тилини ўрганишга ихтисослашган. Немис тили фани 1-синфдан ўқитилади. 5-синфга келиб ўқувчилар орасидан чет тилига қобилияти бор иқтидорли ўғил ва қизлар ажратиб олинади ва алоҳида синфларга жамланади. 1993—94 ўқув йилида иқтидорли ўқувчилар жамланган 5-синфга қўшимча бир соат мусиқа ва одобнома дарслари киритилди. Ўқувчилар имкони ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шунга ўхшаш ва янги фанларни киритиш режалаштирилган.

Ўқувчилар немис халқ қўшиқларини севиб куйлашади, шунинг учун ҳар бир немис тили дарси ашуласиз ўтмайди. Мактаб мусиқа ўқитувчиси Т. Ҳамроев ва немис тили ўқитувчиларининг ташаббуси билан хуш овозга эга бўлган ўғил ҳамда қизлар алоҳида дастага жамланиб, уларга немис халқ қўшиқ ва рақслари ўргатиб борилади. Май ойида шаҳримиз ва мактабимизда меҳмон бўлган Олмония элчихонаси вакиллари жаноб Х. Ю. Кайлхольц, фрау К. Шлоттман ҳам ўқувчиларимиз куйлаган қўшиқ ва рақсларини кўриб мамнун бўлишиб, ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Олмониянинг Тошкентдаги элчихонаси билан 4-мактаб мунтазам алоқада. Олмон элчисининг маориф бўйича маслаҳатчиси жаноб Вольфганг Кайнц ўтган йилнинг апрель ойида мактабимиз ўқитувчилари билан семинар-суҳбат ўтказди, немис тили ўқитувчилари О. Пўлатова Л. Евдокимова дарсларини кузатди ва қимматли фикрлар билдириб, қатор маслаҳатлар берди. Шу билан бирга мактаб В. Кайнц ўқувчиларга бир қанча рангли дарсликлар совға қилди.

Сентябрь ойида эса Бухоро давлат дорилфунуни қошида немис китоблари кўргазмаси очилди. Бундай кўргазманинг ташкил этилиши ҳам чет тилига бўлган ҳурмат ва қизиқишнинг ифодасидир. Кўргазманинг очилиш маросимида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова, ҳоким муовини А. Халилов, дорилфунун ўқитувчи ва профессорлари, Олмония элчихонаси вакиллари — В. Кайнц рафиқаси билан, элчихона маслаҳатчисининг иккинчи ёрдамчиси Хеннинг Симон жаноблари қатнашдилар. Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида мактабимиз ўқувчилари немис тилидаги қўшиқ ва рақслари билан иштирок этдилар ва меҳмонлар олқишига сазовор бўлдилар.

Олмония элчихонасининг таклифига асосан мактабимизнинг икки ўқитувчиси — О. Пўлатова ва мен яқинда Олмонияда тил практикасини ўтаб қайтдик. Ғарбий ва шарқий Олмониянинг Ингельхайм, Висбаден, Кобленц, Боппрад, Йена, Веймар каби шаҳарларида жойлашган бир қатор мактаб, гимназияларида бўлдик, ўқувчи ва ўқитувчилар билан мулоқотда бўлдик, немис ўқитувчиларининг дарс бериш услублари, дарс ўтиладиган мактаб шароитлари билан танишдик. Қулай техник воситалар ва дарсликларга эга бўлган мактаблар ўрнак олса арзигулик. Олмонларнинг Ўзбекистонга, хусусан, кўҳна Бухоромизга бўлган қизиқишларининг чеки йўққи, ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар бизни саволларга кўмиб ташлашди, хат ёзишиб, ижодий алоқада бўлиб туришни таклиф этишди.

Боппард шаҳрида жойлашган ўқитувчилар малакасини такомиллаштириш институтида бўлиб, унинг директори Фрау Рампиллон билан мулоқотда бўлдик ва бой кутубхонаси билан танишдик. Шуни қайд қилиш лозимки, олмон ўқитувчиси маълум муддатга малака ошириш учун чақирилмайди. Ўқитувчи бирор муаммога дуч келса, уни ечиш ва ҳал қилиш ёки ўзи излаган саволларига жавоб топиш учун истаган пайтида бу институтга ташриф буюради. Институтнинг 19 ходими ўқитувчининг муаммосини ҳал этишга жавобгар.

Мактаб маъмуриятининг таклифига биноан олмониялик ўқитувчи Юрген Райсс 1993—94 ўқув йилида илм масканимизда иш бошлади. Ю. Райсс юқори синф ўқувчиларига дарс бериш билан бирга шаҳар ўқитувчилари учун факультатив курс олиб бормоқда. Бундан мақсад — Олмония мактаблари, ўқиш шароити, умуман, Олмония ҳақида янги маълумотларга эга бўлиш ва яқинроқ танишиш. Мактабда олмониялик ўқитувчи ишлаётганини эшитган бошқа мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари тил ўрганиш учун мурожаат қилишмоқдаки, бу ҳам Олмония маданияти, немис тилига бўлган қизиқишнинг катта эканлигидан далолат беради.

Ўтган йилнинг 30 ноябрь куни Юрген Райсс вилоят немис тили ўқитувчилари учун "Олмония маориф тизими ва дарс бериш услублари" мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Олмониядаги мактаб турлари унда ўқитиладиган фанлар, маориф тизими учун ажратиладиган маблағ ва ҳоказолар ҳақида аниқ маълумотлар бердик. Бу жонли мулоқот немис тили ўқитувчилари учун жуда фойдали бўлди.

Шу борада бир таклифим бор эди. Мактабимиз, умуман немис тили ўқитувчилари шартнома асосида Олмонияга 1 (ёки бир неча) йилга ишга юборилса, айни муддао бўлар эди. Чунки чет тили ўқитувчиси учун жонли мулоқот жуда муҳим. Нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар ҳам олмон дўстларининг ўқиш шароитлари, қизиқишлари билан танишишса, ўзаро мулоқотда бўлиб туришса, таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Қисқаси, мактабимиздаги барча ишлар, ўқувчиларнинг немис тилига бўлган қизиқишларини ошириш ва ривожлантиришга қаратилган. Чунки ҳар бир инсон ўз Ватанига муносиб бўлиш учун, ўз Ватани номини кенг жаҳонга олиб чиқиш учун, албатта, чет тилини билиши зарур.

**О. ҲОТАМОВА,**
**А. Навоий номидаги 4-мактабнинг чет тиллар бўйича директор ўринбосари.**

# МЕТОДИКА ФАНИ ФИДОЙИСИ

Одамлар бир-бирларини қўшничиликда, қудачиликда ҳамда оғир мушкулот пайтларида ҳаётий синовдан ўтказадилар. Илм аҳлини эса бир ерда бирга ишлаб ҳам синаб кўриш мумкин. Ана шундай ҳаёт имтиҳонидан ҳамиша аъло ўтаётган ҳамкасбларимдан бири Валентина Ивановна Андрияновадир. У билан Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 1960 йилдан буён бирга ишлаяпмиз.

Тошкентлик педагог Саидрасул Саидазизов ҳаётий хулосаларида шундай ёзган эди: "Комил одам бўлмоқ учун аввалдан илм, ондин сўнг одоб ва поклик лозимдирки, нопок ва беодоб одам мулла бўлмас. Мулла бўлса ҳам онинг илмидан манфаат жуда оз бўлур". Домла таърифлаганидек, В. Андриянова ҳам комил инсон, ўзбек мактабларида рус тилини ўргатиш методикаси бўйича етакчи мутахассислардан биридир.

Ўрта Осиё давлат университетини аъло баҳолар билан тугатгач, Валентина Ивановнанинг меҳнат фаолияти 1958 йилдан Тошкент шаҳридаги 24-ўрта ўзбек мактабида рус тили ва адабиёти ўқитувчилигидан бошланди. Ёш муаллиманинг бутун диққат-эътибори ўзбек ўқувчиларида рус тили ва маданиятига меҳр-муҳаббат уйғотишга қаратилди. Бунинг учун у таълим мазмунини ҳам, усулларини ҳам, ўқув-тарбиянинг ташкилий жиҳатларини ҳам моҳирона йўналтирди.

Ўқув-тарбия жараёнида яққол сезиладиган ва уларга жавоб излаш каби мураккаб илмий-методик масалалар В. Андриянови Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига йўллади. Бу тадқиқот илмгоҳида у 35 йилдан бери бор тажрибалари, маҳоратини ишга солиб, фандаги илмий изланишларини давом эттириб келмоқда. Ўтган даврда педагог-тадқиқотчи илмий изланишлари билан рус тилидан мактаб дастурлари ва дарсликлари, луғатлар, методик қўлланмалар ва тавсиялар, кўрсатма қўлланмалар билан жамоатчиликка яхши танилди.

Олим-амалиётчининг ўзбек мактабларида рус тили методикасига қарашлари: рус тилини муомала воситаси тарзида ўргатиш; тил бойликлари ва нутқий шаклларни ўзлаштиришни, сўзлашув вазифаларини ҳал қилишга бўйсундириш, ўқувчиларнинг она тилига ўрни келганда суяниш, икки тил ҳодисаларини солиштириш ва таржимадан оқилона фойдаланиш, дарснинг барча босқичларида ўқувчилар билан яккама-якка ишлашдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, дарснинг турлари ва хилларини ранг-баранг қилиш, она тили, рус тили ва бошқа тиллар ўқитувчилари ишида мустаҳкам ўзаро боғланишни амалга оширишдан иборатдир.



В. Андриянова 1986-1994 йилларда институтда рус тилидан муҳим илмий методик ҳужжатларни (таълим консепцияси, давлат стандарти (ўлчаш), янги ўқув дастури ва бошқалар) ишлаб чиқувчи раҳбарлардан бири, айни вақтда уларни яратувчиларнинг етакчиси бўлди. Бу ҳужжатларда республикамиздаги ўзбек мактабларида рус тилини ўргатишнинг стратегия ва тактикаси белгиланди.

Айни пайтда олиманинг 170 дан ортиқ илмий изланишлар кўлами ёш авлод таълим-тарбиясида педагогларга дастуриламал бўлмоқда. Шунингдек, у 10 нафар фан номзодининг илмий ишига бевосита раҳбарлик қилди. 1994 йилда ўзбек ўқувчиларининг рус тилидан оғзаки нутқ муомалалари малакасини ривожлантиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилишга бағишланган кўп йиллик илмий изланишлари тугалланди — докторлик диссертацияси якунланди; институтда диссертация батафсил ўрганилиб, ҳимоя қилишга тавсия этилди.

Илм фидойиси Валентина Ивановна шу кунларда 60 ёшни қаршилаётган бўлса-да, мунтазам изланишда, яратувчанлик ишида, ёш олимларга мураббийлик қилишда доимо камарбаста. У мустақил Ўзбекистон ёш авлодини ватанпарвар, байналмилалчи кишилар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида бор тажрибаларини сарф айлаётир. Шу боис уни биз ҳамкасблар методика фани фидойиси деб фахр билан тилга оламиз.

**Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди.**

# КАТТА ТАНАФФУС

*Гулшан аро Гулчеҳралар*

## КЎЗЛАРИНГ

Сени менга ёмон дедилар,
Ранги заҳил — сомон, дедилар,
Кўнгли эгри — камон, дедилар.
Тузалмоғи гумон, дедилар —
Мен кимга ишонай!
Қаноти қайрилган қуш бўлдим,
Ақлдан адашган хуш бўлдим,
Рўёга айланмас туш бўлдим,
Амалсиз бир кимса — бўш бўлдим —
Мен кимга ишонай!
Кенг олам кўзимга тор бўлди,
Сочларим бўйнимга дор бўлди,
Йўлдошим ҳамиша ор бўлди,
Кўз ёшим кунимга кор бўлди,
Мен кимга ишонай!
Умидим ғунчаси гуллаши керак,
Умидли кунларим менга бир тиргак,
Азобдан вужудим доимо сергак,
Ақл не дейди-ю, не дейди юрак —
Мен кимга ишонай!
Биз билган дунё бу севгидир,
Муҳаббат илоҳий сезгидир,
Ошиқлар хаёлий эзгудир,
Кўзларинг энг тоза кўзгудир —
Ишонса бўлгулик кўзлар...

Маҳбуба МАМАТОЖИЕВА,
Фарғона шаҳридаги 12-мактаб ўқитувчиси.

***

## АСРАГАЙМАН ЮҚТИРМАСДАН ГАРД

Мен ҳаваскор, нима десангиз
Деяверинг, менга барибир,
Шоир аҳли эл дарди билан
Яшаб келган азалдан, ахир.
Илҳомимни бўғолмайсиз, йўқ,
Агар ўзи кетмаса безиб.
Шеърим билан парвоз этаман,
Ажал йўлим қўймаса тўсиб.
Ажалдан-ку, қўрқмайман, лекин,
Туҳматлардан чўчийди юрак.
Туҳмат билан қаддинг дол этиб,
Айланади бешафқат фалак.
Айланади гўё ҳеч нарса
Кўргани йўқ, эшитгани йўқ.
Ҳақ жойида қарор топишин
Билгани-чун унинг кўнгли тўқ.
Мен ҳаваскор, шеърим шеър эмас,
Юрагимдан у тўкилган дард.
Майли уни сезмасин ҳеч ким,
Асрагайман, юқтирмасдан гард.

Марҳабо УМУРЗОҚОВА.
Жиззах вилояти, Зомин тумани.

***

## ЮРТДОШЛАРИМГА

Ҳар гадога паноҳ бўлган камсуқум элим—
Минг бор ўлиб, минг тирилдинг
бу кўҳна йўлда.
Кечмишингни эслаганда зирқирар дилим,
Қул сингари яшаб келдинг, дайди бир қўлда.
Ўргатилган тўти мисол бахтлиман дединг:
Шўх дарёлар шўр кўз ёшга айланиб бўлди.
Халқим учун, Ватан учун аҳдлиман дединг,
Зар тупроғинг заққумлардан лойланиб
тўлди.
Сор лочинлар парвоз этмас, синган қаноти,
Очилмасдан қовжиради ифорсиз гуллар.
Буюк Темур руҳларининг тутган фарёди,
Фотиҳага очилмасдан қотди бу қўллар.
Сиз, эй янги авлод, азиз фарзандлар
Ҳаёт дарёсида мақсад-ла сузинг,
Қўлласин сизларни буюк аждодлар,
Манқуртлик қўрғонин батамом бузинг.

Холтош БЎРОНОВА.
Навоий шаҳри.

## АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Республика Ўқитувчилар уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин билан адабий-ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Анжуманда филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зияев, филология фанлари номзоди, доцент Раҳматилла Иноғомов ёзувчининг серқирра ижоди ва ҳаёти ҳақида гапирдилар.

Адабий мулоқот охирида Мирмуҳсин муаллимларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб бериб, яқинда нашр этилган янги асарининг мавзуси, муаммолар кўлами, бугунги муаллимлар ҳамда ёзувчилар зиммасидаги катта масъулият ҳақида гапирди.

Учрашувни профессор Қ. Фозилхўжаев бошқарди.

Ф. ТОЛИБОВ.

•

## "НАЗМ ВА НАВО" КЕЧАСИ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида турли маърифий, маданий ва адабий тадбирлар ўтказиб туриш анъанага айланган. Чунки бундай тадбирлар ўқув курсларида таҳсил олаётган мураббий-педагогларимиз дунёқарашининг бойишига, маданий ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришга хизмат қилади.

Яқинда институт ётоқхонасида ўтказилган "Назм ва наво" кечаси ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кечага ташриф буюрган камтар ва заҳматкаш шоир Абдулла Турдиев йиғилганларга ранг-баранг шеърий гулдаста улашди. Сўнг санъаткор Озода Назарованинг дилрабо ва жозибали қўшиқлари даврага ғоят файзиёблик бахш этди.

"Назм ва наво" кечаси узоқ давом этди. Шеърлар қўшиққа, бир-биридан жозибали тароналар эса рақсларга уланиб кетди.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ.



"Онажоним омон бўлсин бошингиз"

## ХАНДАЛАР

*Она: Эльза, аквариумдаги сувни янгиладингми?*

*Эльза: Йўқ, ойи. Балиқлар ҳали эски сувни ичиб тугатишмаган.*

* * *

*— Кофеингиз жуда мазали экан, Лене хола, — деди Херберт.*

*— Пауль амакинг бу кофени Бразилиядан олиб келган.*

*— Қаранг, ҳалиям иссиққина-я! — ҳайрон бўлиб деди Херберт.*

* * *

*Биология ўқитувчиси сўради: — Нима учун одам кўп балиқ истеъмол қилади?*

*Ўқувчи- — Балиқни кўп еган одам яхши сузадиган бўлади.*

* * *

*Жаноб Мюллер мақтанди: — Мен испанча, гречка, итальянча, хитойча...*

*— Гапира оласизми?*

*— Таомларни истеъмол қилишни яхши кўраман.*

* * *

*— Моника, айт-чи, 4 та олмани 5 болага қандай тақсимлаш керак?*

*— Компот пишириш керак.*

* * *

*Саёҳатчи аёл: — Шу ерда чўмилмоқчи эдим, лекин бу ерда акула бўлиши мумкин.*

*Балиқ тутувчи чол: — Э, йўқ, бемалол чўмилаверинг. Тимсоҳлар бор жойда акула бўлмайди.*

* * *

*Ўқитувчи: — Эльза, етти ёввойи ҳайвон номини айт.*

*Эльза: — Уч шер ва тўрт қоплон.*

* * *

*Ўқитувчи: — Петер, қўй жунидан нималар олинади?*

*Петер: — ...*

*Ўқитувчи: — Устингдаги жакет нимадан қилинган?*

*Петер: — Отамнинг пальтосидан.*

* * *

*Полицияда телефон жиринглади.*

*— Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!!! Хонада мушук!*

*— Нега ваҳима қиласиз? Ким гапиряпти?*

*— Тўти.*

* * *

*Дитер синфга кириб: — Жаноб ўқитувчи, ота-онамни кўрмоқчи эдингиз. Мана улар, — деди ва стол устига 2 та расм қўйди.*

* * *

*— Боғдаги гулларга сув қуйиб келаман.*

*— Ахир ёмғир ёғаяпти-ку!*

*— Ҳеч қиси йўқ. Соябонни олволаман.*

Немис тилидан О. Ҳотамова таржимаси.

*Турфа олам*

## КАКТУС ЎҒИРЛАГАНИ УЧУН ҚАМАЛДИ

**Биз шу пайтга қадар одамларни пул ёки мол ўғрилагани учун қамашганларини яхши биламиз. Аммо кактус ўғирлагани учун қамаганларини эса... Ўтган (1994) йили АҚШ суди маслаҳатчилари 17 фуқарони жиноий жавобгарликка тортди. Улардан бирини эса 12 ой қамоқ жазосига ҳукм этди ва унга 21680 доллар миқдорида жарима солди. Бунга сабаб шуки, улар федерал ҳукумат плантацияларидан кактус ўсимлигини ўғирлашган. Яна қанақасини денг, энг ноёб ҳисобланган цереус кактусини. Олимларнинг эътироф этишларича, кактусларнинг бу тури табиатда атиги 200 та қолибди, деб хабар беради "Интернейшл уайлдлайф" ҳафтаномаси.**

***

## ҚИЗИЛ ЁМҒИР ЁКИ ҚОНЛИ СУЮҚЛИК

**1841 йилнинг 17 август куни Теннеси штатининг тамаки далаларида ишлаётган одамлар қонли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Осмонни қизил булут қоплаб, кучли момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди. Бир оздан кейин эса даҳшатли ёмғир ёға бошлади. Плантацияларнинг эгаси, профессор Прооста воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келиб, бутун дала "бадбўй ҳидга эга бўлган нарса" билан қопланганлигини аниқлади. Унинг фикрича, бу қон ва чарви аралашмасидан пайдо бўлган қонли суюқлик эканлиги маълум бўлди. Шу соҳа мутахассисларининг тахминларига қараганда, бундай ҳодисалар дунёда камдан-кам ҳолларда содир бўлар экан.**

**Орадан 49 йил ўтгач, худди шундай воқеа такрорланди. 1890 йилнинг 16 майида Лисньедда (Калебрия) кучли қизил ёмғир ёмғиб ўтди. Италиянинг Менса бюроси бу қушлар қони эканлигини аниқлади. Ҳаттоки, қушлар галаси кучли шамол туфайли майда-майда бўлакларга бўлиниб кетганлиги ҳақида ҳам фикр юритилди. Аммо об-ҳаво маркази ходимларининг маълумотларига қараганда, ўша куни бундай кучли шамол бўлмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ҳалокатга учраган қушларнинг таналари қаерга йўқолганлиги ҳам номаълумлигича қолди.**

***

## МИТТИ ТАРЖИМОН

**Теҳрондаги мактабларнинг бирида ўқийдиган 10 ёшли Ризо Муҳаммадий Пасонад машаққат чекиб, илм олганидан сўнг Қуръони Каримни жами 10 тилга — инглизча, французча, олмонча, форсча, итальянча, испанча, туркча, ўрисча, японча ва урдучага таржима қилишга астойдил киришди.**

**Ризо Муҳаммадий Пасонаднинг эътироф этишича, бу ишда ота-онаси унга катта ёрдам берган. Боланинг отаси бир неча тилларда бемалол сўзлаша олади. Волидаси эса Қуръони Карим ва ислом таълимотига оид билимлар муаллимасидир. Тил билиш, суяк суради, деб шунга айтсалар керак-да !**

Наргиза ТЎЛАГАНОВА тайёрлади.





## ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

*Спорт*

Жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни етиштириш ҳақида ҳукуматимиз алоҳида ғамхўрлик қилиб келаётгани бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизнинг истиқболи ва равнақи келгуси фуқароларнинг фаолияти билан боғлиқ. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Сурхондарё вилояти умумтаълим мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, педагогик ўқув юртлари спорт фаолларининг йиғилишида оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларини ривожлантириш юзасидан ҳукумат қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлиги буйруғи асосида футболни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги ҳар иккала масала юзасидан вилоят "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини К. Эргашев маърузаси тингланди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича музокараларда Термиз шаҳар педагогика билим юрти директори И. Ҳимматов, Денов туманидаги қишлоқ хўжалиги лицейи директори А. Тошмуродов, вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори А. В. Золотов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Қашқадарёда бўлиб ўтган спорт фаоллари йиғилишида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р.Мусурмонов ҳамда "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини Х.Баратов маърузалари тингланди.

Сурхондарё ва Қашқадарёда бўлиб ўтган йиғилишларда халқ таълими вазири муовини Х. Ф. Маъсудов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мухбиримиз.

## "ОНАЛАР МАДҲИ" МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввало оналар мадҳ этилган ўзбек шоирларининг қуйидаги шеърий ҳикматларида рақамлар билан яширинган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг:

**1. Йўқ бизга онадек 3, 22, 23, 6, 1, 11, 8, 4.**
**Сийнага 12, 2, 25, 12, 8, 4 бош узра соябон.**
**Бизга ҳам лозим ани шод айламак,**
**Бизга қилган хизматин 24, 7 айламак.**

(Ҳамза Ҳакимзода НИЁЗИЙ)

**2. Онам деганимда, оқсоч 18, 2, 20, 8, 19, 2, 16.**
**Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.**
**Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,**
**Кўзимга 11, 2, 26, 16, этдинг кўзгудек жаҳон.**

(Ғафур ҒУЛОМ)

**3. Оналикнинг мазмуни 18, 2, 23, 8, 4 билан тенг,**
**4, 2, 17, 1, 27 айтган жаҳон — шу мушфиқ она.**
**Қай инсондир онадан йироқ бегона.**
**Шакли инсон, мазмуни ҳайвон деб, айтинг!**
**(Собир АБДУЛЛА)**

**4. Онам менга юрак ато этган —**
**Меҳру муҳаббатга лим-лим 5, 9, 25, 13, 1, 4 деб.**
**21, 15, 14, 10, 25, 1, 19 ва ёғду камолга етган**
**Гўзаллик куйчиси бўлсин деб.**

(Асқад МУХТОР)

**Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштиринг. Бунда оналар мадҳ этилган яна бир тўрт мисрали ҳикмат ва унинг муаллифи бўлган мумтоз форс-тожик мутафаккир шоирининг номи аён бўлади.**

Фозилжон ОРИПОВ тузган.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1995 ЙИЛ УЧУН**

**докторантурага (13.00. 02) — физика, математика, информатика, меҳнат, тарих ва бошқа фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.**

**Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

**1. Директор номига ариза.**

**2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.**

**3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза.**

**4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).**

**5. Иш жойидан тавсиянома.**

**Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 20 кун давомида қабул қилинади.**

**Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй,**

**ЎзПФИТИ, тел. 45-56-59.**



**ТОШКЕНТ ШАҲАР МАКТАБЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**"Ўзбек қоғози" АКнинг "Умрон" ДКК Тошкент шаҳридаги туман халқ таълими бўлимлари билан тузилган шартномага мувофиқ мактаблардан чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади.**

**Макулатура мактабларнинг 91-61-31 телефонига берган буюртмасига биноан корхонамизнинг юк машиналарида ташиб олиб кетилади.**


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Нукус шаҳридаги 30-ҳунар билим юрти директори М. И. Ерниёзовга рафиқаси

**Бозоргул ИНОТУЛЛАЕВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва табиийёт-география факультети жамоаси зоология кафедрасининг катта ўқитувчиси Зафар Эгамбердиевга онаси

**Оқила ая МУРОДОВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоаси, кутубхона ходимлари кутубхона бўлим бошлиғи

**Замира ҒУЛОМОВА**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирадилар.

ТошДУ раҳбарияти, фалсафа факультети жамоаси табиий факультетлар фалсафа кафедрасининг профессори У. Ж. Ҳайдаровга отаси

**Қутбиддин АШУРОВ**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда табиийёт-география факультети жамоаси кимё кафедрасининг профессори, пенсионер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, уруш қатнашчиси

**Рашид ҚОДИРОВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—0116. 46197 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4